

# ВАТАНШАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
BAZIRLIGINING MARKAZIY MATBUOT  
ORGANI

● 2003 йил, 16 январь, пайшанба № 8 (1740).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 16 января, 2003 г. № 8 (1740).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## МДХ ижроия қўмитаси делегацияси Тошкентда

Мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Юрий Яров бошчилигидаги делегация аъзолари 15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Уткир Султонов билан учрашди. Сўхбат чоғида МДХ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган тад-

бирлар хусусида фикр алмашилди.

Шу куни делегация вакиллари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. Мамлакатимиз ташқи сийosat маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан бўлган сўхбат чоғида МДХ мамлакатларининг иқтисодий, савдо-сотиқ, маданият, таълим соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, икки ва кўп томонлама ало-

қалар қўламини янада кенгайтиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, томонлар МДХ доирасида уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва бошқа иллатларга қарши ҳамкорликдаги курашни янада жадаллаштириш бобасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

(УзА).

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

## ПРАЗДНИК, РОЖДЕННЫЙ НЕЗАВИСИМОСТЬЮ

Одиннадцать лет назад 14 января 1992 г. Вооруженные Силы Республики Узбекистан начали свое летоисчисление. По сложившейся за эти годы традиции, в минувший вторник, в День защитников Родины, состоялась церемония возложения венков к мемориальному комплексу на площади Памяти.

С раннего утра нахмурилось небо и даже всплакнуло мелким дождиком. Казалось, сама природа вспоминает о подвигах воинов-узбекистанцев, немало сделавших во имя свободы и независимости Родины, о страданиях матерей, которые пришлось на их долю в жестокие годы войны...

Ярко-красные цветы подчеркивали торжественность и значимость данного мероприятия.

Ровно в 10.00 утра началась церемония возложения.

Под звуки скорбной музыки венки и цветы ложатся к подножию монумента. К мемориалу подходят генералы и офицеры Министерства обороны во главе с Министром обороны Республики Узбекистан Кадыром Гуламовым. Вслед за ними отдают дань памяти представители Службы национальной безопасности во главе с генерал-полковником Р. Иноятовым. Затем на мрамор мемориала поднимаются министр

(Окончание на 2-й стр.).

## Обод маҳалла—обод Ватан

Навоий вилоятида 360 та маҳалла мавжуд. Уларнинг нечоғлиқ обод ва кўркем бўлиши, ўзаро аҳиллик ва осойишталик, табиийки, шу жойларда яшаётган каттаоқ кичикнинг саъй-ҳаракати-га боғлиқ. Тўй ҳам, аза ҳам ўзимизники, деган гап бор. Ана шу маросимларни ихчам, ортиқча дабдаба ва сарф-харажатсиз ўтказиш, кам таъминланган, кўп болали оилаларга бегараз ёрдам кўрсатиш, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қа-

ратиш, маҳаллада кичик корхоналар очиб, иш ўринлари яратиш масалалари ҳам доимий эътиборда туриш лозим.

Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, ҳар бир оилани иқтисодий ва иктимой қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сийosatини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари янада фаолроқ иштирок этиши лозим.

Навоий шаҳрида Обод маҳалла йили муносабати

билан бўлиб ўтган «Обод маҳалла — обод Ватан» мавзусидаги йиғилишда иштирок этган жамоат ташкилотлари ва жамғармалар вакиллари ушбу долзарб масалалар хусусида атрофича фикрлашиб олди.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова иштирок этди.

Еркул УМАР,  
ЎзА мухбири.

● ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## Юбилейга тайёргарлик қизғин

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан халқимизнинг кўплаб улуг фарзандлари номи тикланди, кадрлари қайта эъзоз топди. Миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиёти йўлига бахшида этган ютдошларимиз хотирасини абдийлаштириш борасида амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишлар бунинг яққол далилидир. Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган ана шундай ватандошларимиздан бири — атоқли ўзбек адиби, академик Ғафур Ғуломдир.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ шу йил май ойида адиб таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Юбилей тантаналарига қадар адиб уй-музейи таъмирланади, атрофи ободонлаштирилади, шонр ҳайкали яратилади. Шу кунларда Тошкентнинг Арпапоя кўчасидаги Ғафур Ғулом уй-музейини таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Музейнинг мемориал қисми асосан таъмирлаб бўлинди, — дейди адибнинг қизи, уй-музей директори Олмас Аҳмедова ЎзА мухбири билан сўхбатда. — Хоналарни Ғафур Ғулом яшган давридагидек жиҳозлаш-

га алоҳида эътибор қаратилаётган.

Музей ёнида икки қаватли бино барпо этиляпти. Ундан атоқли адиб ҳаёти ва ижодига оид, шунингдек, Ғафур Ғулом ўз асарларида кўйлаган турли йирик қурилишлар тўғрисидаги экспозициялар ўрин олади. Атоқли адиб ижодини чуқур ўрганиш истагида бўлган олимлар, тадқиқотчилар ва мухлислар учун қулай шароит яратилади. Шоирнинг барча асарлари дискетларга ёзилади. Кутубхона ва кинозал бўлади. Ҳозир архивлар устида жиддий иш олиб бориляпти. Музей экспозицияларини янгилаш учун одамларнинг қўлидаги бор материал, фотосурат ва адиб ёзган хатлар йиғилияпти.

Уй-музей ёнидаги Анҳор тозаланиб, қирғоқлари тартибга келтирилгач, музей атрофи янада кўркем ва файзли қиёфа касб этади.

Юбилей муносабати билан адиб ижодига мансуб қатор китоблар нашрдан чиқарилади. Ҳозирдаёқ Ғафур Ғуломнинг бир жилдли «Танланган асарлар» тўпламини нашр этишга киришилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида эса болалар учун лотин алифбосида «Шум бола», «Едгор» асарлари чоп этиляпти. Бошқа бир қанча нашриётлар ҳам адибнинг китоблари, у ҳақида тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисоаларни босмадан чиқаради.

Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги пойтахтимизнинг марказий қисмида барпо этиладиган адиб ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган танловга профессионал ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарошлардан ўттиздан зиёд иккидан иш келиб тушди. Энг муносиб лойиҳа асосида яратилган улугвор ҳайкал пойтахтимиз марказида — Ғафур Ғулом кўчасидаги адиб номи билан аталувчи метро станцияси яқинидаги майдонда қад кўтаради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ёзувчилар уюмаси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Республика «Мазнавий ва маърифат» маркази билан биргаликда «Ғафур Ғулом ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий анжуман ўтказди. Адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм, унинг асарлари асосида фильм ва спектакллар, адабий-бадий композициялар, мусиқа асарлари яратилиши режалаштирилган.

Қисқаси Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом юбилейини кенг нишонлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида барча ташкилий, амалий ишлар ўз ижросини топмоқда.

Назokat УСМОЛОВА,  
ЎзА мухбири.

## МАРДЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ


Юртдошларимиз Сайёр Саъдинов номини ҳеч қачон унутмайди. У Сурхондарё вилоятининг Сариниёс ва Узуи туманлари худудига бостириб кирган тер-

рорчи тўдаларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди.

Ватан ҳимоячилари кунини арафасида Сайёр Саъдинов таълим олган Самар-

қанд шаҳридаги 9-ўрта мактабга унинг номи берилди. Мактаб ҳовлисида қаҳрамон жангчининг бюсти ўрнатилди.

Уйғун РЎЗНЕВ,  
ЎзА мухбири.



Оддий аскар Нодир Йўлчиевнинг касби алоқачи. Ҳарбий соҳада бу касбининг ўрни жуда катта. Чунки шопилинч буйруқ ва хабарларни ўз вақтида етказиш ва қабул қилиш алоқачидан тажриба ҳамда тезкорликни талаб этади. Ўз вазифасини пухта эгаллаган Нодиржон эса бу соҳанинг билимдон.

А. МРУЧАК олган сурат.

● МУНОСАБАТ

## РУҲИМИЗНИ КЎТАРДИ

Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг юрт ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги биз аскарларнинг ҳам руҳимизни кўтарди. Айниқса, Юртбошимизнинг «ҳарбий хизматини ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир», деган гаплари юрагимиздан жой эгаллади. Ишонтириб айтаманки, жанговар шайлигимизни янада ошириб, Ватан ҳимоячиси деган номга муносиб бўламиз.

Оддий аскар  
Алишер САЛОМОВ.

## ДОБРОЕ СЛОВО — ВДОХНОВЛЯЕТ

Нынешний День защитников Родины запомнится мне надолго. Среди удостоенных высокого звания «Заслуженный наставник молодежи Республики Узбекистан» я увидел и свою фамилию. А в «Праздничном поздравлении защитникам Родины» Президентом — Верховным Главнокомандующим дано доброе отеческое напутствие, руководство к действию в дальнейшем служении Родине.

Хотелось бы выразить огромную признательность руководству Узбекистана за заботу о военнослужащих и такую высокую оценку труда.

Подполковник Олег СИН, начальник кафедры вооружения и стрельбы ЧВТКИУ.

## ПРАЗДНИК, РОЖДЕННЫЙ НЕЗАВИСИМОСТЬЮ

(Окончание. Начало  
на 1-й стр.)

внутренних дел генерал-полковник внутренней службы З. Алматов и генералы и офицеры Главных управлений внутренних и караульных войск МВД, генералы и офицеры Комитета по охране Государственной границы во главе с генерал-майором М. Утагановым и офицеры Министерства по чрезвычайным ситуациям. Завершили процессию генералы и офицеры Государственного таможенного комитета во главе с его председателем Б. Паршиевым.

Исполнение этого воинского ритуала — это выражение готовности защитников Родины всегда стоять на страже мирного неба и завоеваний независимости.

Прохождение торжественным маршем под бодрые мелодии военного духового оркестра роты почетного караула продемонстрировало готовность воинов нынешнего

поколения быть достойными наследниками опыта и боевого духа наших ветеранов и великих предков. Мы являемся свидетелями того, что в нашем независимом государстве никто не забыт и ничто не забыто. В этом еще раз убеждают праздничные мероприятия, проведенные в День защитников Родины.

В церемонии возложения принял участие секретарь Совета безопасности при Президенте Республики Узбекистан Г. Обляров.

Пока мы будем чтить подвиг и мужество воинов старших поколений, помнить тех, кто во имя свободы и независимости Родины пожертвовал своей жизнью, можно с уверенностью сказать, что никакие темные силы никогда не сумеют остановить нас, свернуть с верного пути. Наше государство будет уверенно идти вперед по пути независимости и процветания.

Майор  
Хайридин ЗАИНИЛОВ.

## БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 11 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан ажойиб тадбир уюштирилди. Унда вилоят ҳокими Убайдулла Ямоқуллов, Марказий ҳарбий округ қўмондонни генерал-майор Имомид Эргашев, вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар сўзга чиқиб, Ватан ҳимоячилари — ҳарбийларимизни самимий қўллади.

Генерал-майор И. Эргашев ўз маърузасида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг байрам табригида Қуролли Кучларимизга берилган юксак баҳони таъкидлаб, Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм ҳар-

бий хизматчиларидан тақдирланганлар номларини айтиб ўтди ва меҳнатимизга берилган юксак баҳо учун Юртбошимизга шахсий таркиб номидан миннатдорчилик билдирди, байрам қатнашчиларини 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни билан табриклади. Вилоят ҳокими маърузаси сўнггида вилоят ҳокимлиги томонидан шарафли ва муқаддас хизматда ютуқларга эришган ҳарбийларни эсдалик совгалар билан тақдирлади.

Тадбир сўнггида Узбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова ўз қўшиқлари билан ҳаммани хушнуд этди.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти  
Умида МИРЗАКАРИМОВА.

## КАЧЕСТВЕННО И В СРОК

Воини нашего подразделения, взвесив свои реальные возможности, взяли высокие обязательства — в зимнем периоде обучения выполнять все учебно-боевые задачи только на отлично. А занимаемся мы обеспечением горючесмазочными материалами военно-воздушного транспорта.

Вот и недавно, накануне всенародного праздника —

Дня защитников Родины, — качественно и в срок выполнили свои обязанности по доставке топлива рядовые Алмас Кимсанов, Азим Туляганов и Дильшод Рахимов.

— Мы и впредь будем только на отлично выполнять все задачи, связанные с обеспечением полетов, — говорит рядовой Рахимов. — И слово свое сдержим на деле.

Рядовой М. САБИРОВ.

## ● ХАРБИИ БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

# САНЪАТГА МЕХР УЙЎОТИБ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида сафарда бўлганимизда, бу ердаги маданий-маърифий тадбирлар билан қизиққандик. Асосий маданият уюғи — курсантлар клуби ходимлари бу ишда фаол қатнашиб, бўлажак офицерларнинг қалбларида санъатга меҳр уйғотиши эса Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда муҳим ўрин тутуши шубҳасиз.

«Узбекинав» давлат концерт бирлашмаси билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган, — дейди биз билан суҳбатда клуб бошлиғи капитан Акмалжон Умаров. — Уларнинг ёрдамларида курсантларимиз таниқли хонадалар — Мардон Мавлонов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Карим Мирходиев ва Марат Ҳақимов, МДХ танловининг лауреати Бахтиёр Баёнларнинг қўшиқларини эшитишга мурасар бўлдилар. Ундан ташқари, Самарқанд давлат чет тиллари институтидаги бадий ҳаваскорлар ҳам биз-

га тез-тез меҳмон бўлиб туради.

Албатта, санъатга қизиқиб фақат қўшиқ эшитиш билан чегараланмайди — курсантлар клубида ўтказилган Самарқанд расмоларининг кўргазмаси бунга далил бўла олади. Кўргазмани ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган расмолар уюшмасининг вилоят бўлими раиси Нуриддин Қалонов ҳарбийлардаги санъатнинг бу турига интилиши юқоридаги мамнушат ила таъкидлаганди,

## ● ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

# ДЕЛЯТСЯ ОПЫТОМ

Вчера в Центральном Доме офицеров начала работу конференция в рамках учебного курса для офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан, которая проводится офицерами-преподавателями военной академии США. Ее задачей является обмен опытом в ведении раз-

личных видов и способов боевых операций.

В течение нескольких дней участникам конференции — офицерам — представителям всех силовых ведомств Узбекистана — будет представлена информация о методах ведения боевых действий, основанная на практическом опы-

те американских вооруженных сил.

Данную программу обучения представляют полковник Джордж Прохода — заместитель деана военной академии США, преподаватель — майор Кендал Паркс, капитан Джон Пендергаст.

Лейтенант  
Хасан МИРЗАЕВ,  
корр. «Ватанпарвара».  
(Подробный материал о проходящей конференции читайте в ближайших номерах газеты).

## ЭЗГУ ЙЎЛДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Ўқув муассасалари, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлири, лицей ва коллежларда ҳамда умумтаълим мактабларида Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари ва маърузалари асосида «Аксилтерор ҳаракатида Узбекистоннинг позицияси» мавзусида Ижтимоий-сиёсий билимлар ягона кўни ўтказиш учун ҳозирлик қўрилади.

Оммавий ватанпарварлик ойлги ўз самарасини кўпроқ бериши мақсадида ҳар бир ўтказилган тадбирлар учун ҳокимликлар, маънавият ва маърифат марказлари, маҳалла жамғармаси бўлимлари, «Ватанпарвар» ташкилотлари, вилоят ва ҳарбий прокуратуралар, хотин-қизлар қўмитаси, «Намоёт» ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари қатор ташкилотлар масъул сифатида бириктирилди.

Фаргона вилоятида бу борада олиб борилаётган ишлар натижаси ижобий бўлаётди. Айниқса, Фаргона шаҳрида ва вилоятида ёшларни соғлом, ҳушёр ва жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш борасида жонқуярлик билан иш олиб бо-

рилмоқда. 2000 йил давомида вилоятда 7 нафар бола спорт усталлигига номзод бўлиши, ҳозирда эса 100 дан ортиқ ёшлар спортнинг турли разрядларини қўлга киритиш учун ҳаракат қилишга тинч фикримизнинг далилидир.

«Ватанпарвар» ташкилотлари, турли ўқув мактабларида, ҳарбий қисмлар ва бошқа жамоаларда ёшларни, юртимиз ўғлонларини жисмонан соғлом, баркамол авлод қилиб тарбиялаш сари махсус режалар асосида олиб борилаётган тадбирлар ёшларимиз онгида, дувёқарашида, уларнинг жисмоний хатти-ҳаракатида, жамиятдаги моддий ва маънавий иштирокида ўз маҳсулини бераётди.

Мустақил Узбекистон халқи адолатли, ҳуқуқий жамият қуриш учун интилаётган экан, бу каби тадбирлар эзгу йўлдаги муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Адлия подполковниги  
С. АБДУЛЛАЕВ,  
Шарқий ҳарбий округ  
прокурори.

## Курсантлар ҳузурида

унинг истиқболи йўлида фидойилик намуналарини кўрсатаётган ҳар бир инсоннинг шодиёнаси — де-ди у ўз сўзида.

Байрамда Узбекистон қаҳрамони, халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов ҳам иштирок этиб, мактабнинг офицер ва курсантларини қўтлуғ айём билан қизгин табриклади. У ўз сўзида кейинги пайтда ёзувчи ва шоирларимизнинг ўғлонларимиз жасоратларини улугловчи қўлаб асарлар яратишга уринишга ташкил таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда истеъфодаги генерал-майор

Учқун Раҳимов сўзга чиқиб, барчани Ватан ҳимоясидек шарафли бурчи сийқидилдан адо этишга қақирди.

Шоир Омон Маъжон ўз сўзини шеърини табрик билан бошлаб, йиғилганларни Ватан ҳимоячилари кўни билан самимий қўтлади.

Мактаб бадий ҳаваскорлар жамоаси раҳбари Савриддин Назкмиев ижросидаги Ватан мадҳи, юрт тароватини тараннум этувчи куй ва қўшиқлар барчага хушнудлик бахш этди.

Ўқтам ҲОЛИҚОВ,  
Енги хавфсизлиги олий  
техник мактаби ходими.

ковларнинг номларини тилга олишимиз бежиз эмас, албатта. Ваҳриддин аскарлик қўшиғи номинациясида «Мардлар қўриқлайди, Ватани» кўрик-танловда голиб чиққанди. Виталий эса округ танловда ҳарбий оркестр таркибида фахрий иккинчи ўринни эгаллаганди. Савенков ижод қиладиган оркестр жамоаси Хотира ва Қадрлаш кўнида фахрийларимизга ўзига хос совга тақдим этди. Шаҳар паркида кун бўйи уруш йилларидаги қўшиқларни ижро этиб, кексаларнинг ёшлигини эслашига ёрдам берди.

Курсантлар орасида ҳам истеъодли хонадалар кўп экан. Ака-ука кичик сержантлар Абдуваҳоб ва Шерхон Муминовлар қўшиқ айтганларида ўзлари миллий чолғу асбобларини чалдилар ҳам, курсант Эдуард Хек корейс миллатига мансуб бўлишига қарамасдан ўзбекча қўшиқларни жуда яхши ижро этади. курсант Виктор Гладковнинг гитара билан айтган русча қўшиқлари ҳам тингловчиларни

бефарқ қолдирмайди. Концертларни бошқаришда эса бахмаллик йигит кичик сержант Уринбой Суяубой ўғлига тенг келадигани йўқ — айниқса, ўзининг шеърларини ўқиши ҳаммави хушнуд этади.

Ҳар байрамда билим юрти аҳли курсантлар клубида тўпланиши одатга айланган. Чунки, санъатсевар йигитлар хизматдошларига янги ижод намуналарини ҳаёти ширини кутади. Албатта, Ватан ҳимоячилари кўнида ҳам бадий ҳаваскорлар саҳнага янги дастур билан чиқишганди. Қуролли Кучларимиз 11 йиллигига бағишланган совгалари оз бўлмаган. Қалбларни тўқитишга юборадиган санъат асарлари орқали бўлажак офицерлар онгига Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш каби эзгу ишларда маданият ходимларини ҳам кўп муваффақиятли кечалар кутушига ишончимиз комил.

Майор Аблай КАМОЛОВ,  
«Ватанпарвар» муҳбири.

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Машҳур ёзувчи Онопоре де Бальзакнинг ўзига хос феъл-атвори тўғрисида у ҳали ҳаётлигидаёқ турли гап-сўзлар тарқалганди. Бальзак тор хонага қамалиб олганча, ёруғлик тушмаслиги учун эшик-деразаларни тирқишларигача маҳкамлаб оларди. Енгил кийиниб, соқол-муйлови ўсиб кетган ёзувчи шам олдида суткасига 18 соатдан ишлаш, унинг учун на кеча ва на кундуз мавжуд эди.



Томас Маннidan маданиятли одамнинг қайси хусусияти биринчи ўринда туради, деб сўрашди.

— Маданиятли деб, энг аввало маданиятсиз киши билан худди маданиятли одам билан гаплашаётгандек му-

носабатда бўлган кишини ҳисобламоқ керак. Энг асосийси ҳам шу! — деган эди ёзувчи.

Лондон меҳмонхоналаридан бирига жойлашган Марк Твен мусофирлар қайд қилинадиган дафтарда «Лорд Левингтон хизматкори билан» деган ёзувни ўқибди-да, «Марк Твен чемодани билан» деб ёзиб қўйибди.

Америкалик кинорежиссёр Джон Уэйн 1836 йилда Мексика билан Техас ўртасидаги уруш ҳақида «Аламо» номли фильм яратди. «Нью-Йорк пост» газетасининг ёзишича, бу фильми яратиш учун 20 миллион доллар харajat қилинган. Ҳолбуки, Мексика билан Техас ўртасидаги уруш бор-йўғи 4 миллион долларга тушган экан.

Буюк ёзувчи Вольтер бир вақтнинг ўзида бир неча асар устида ишларди. Иш асоси устида ишларди. Иш асоси устида ишларди. Иш асоси устида ишларди.

Машҳур немис ёзувчиси

## Билиб қўйинг, асқотади

Бир йил давомида қазиб олинган нефть орқали Ер шаридаги барча қуруқликларни 1 метрли қатлам билан қоплаш мумкин экан. Мазлумки, нефть хомашёсидан миллион хилдан ортиқроқ турли кимёвий бирикмалар олиш мумкин. Тошқумирда эса бу кўрсаткич «бор-йўғи» 400000 хил, холос.

Шимолий Америкадаги Анд тоғларида, 3812 метр баландликда энг юқорида жойлашган кўл — Титикака кўли мавжуд.

Агар инсоният ўзи истеймол қилиши ва уй ҳайвонларини боқиши учун денгиз ва океан ўсимликларидан фойдаланганида борми, бу озуқа 290 миллиард кишига етган бўларди.

Япониянинг «Санио Электроник» компанияси ўзининг янги авлод роботини кенг оммага тақдим этди. Бу лойиҳа ит-робот бўлиб, уй ҳайвонлари ўрнини босиши мумкин. Бу тўрт оёқли ёрдамчи уйни қуриш ва аτροφни диққат билан кузатиш қобилиятига эга. Шунингдек, агар хавф-хатар сезилса, ит-робот мобил телефон орқали хўжайини билан боғланиши ва огоҳлантириши мумкин.

Бўлган воқеаларнинг исботи сифатида робот ёзиб олинган тасмани ҳам тақдим этади. Хуллас, унинг ичига видеокамера ва уяли телефон жойлаштирилган. Японлар бу мўъжизани шу йилдан бошлаб сотувга чиқармоқчилар. Унинг бошланғич нархи 750 доллар миқдоридан баҳоланмоқда.

## СИМВОЛИКА ЦВЕТОВ

Язык цветов на Востоке составил целую науку «седам», где вишня означает признание в любви. Белая гвоздика говорит о доверии, красная — о горячих чувствах. Гиацинт по числу бутонов «назначал» день встречи. А колокольчик по количеству цветков «уточнял» даже свидания. Лаванда «дукавила», изображая непонимание. Желтая роза «сомневалась» в искренности любви. Красная роза тайно «признавалась» в жарких чувствах. Васильки обозна-

чали доверие, лилии — чистоту, резеда — сердечную привязанность, астра — печаль, незабудка — память, клевер — ожидание.



## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

УСИМЛИКЛАР оламида энг улкан япроқли дарахт Ҳинд океанидаги Маскарен оролида ўсувчи рафия пальмаси экан. Шунингдек, Жанубий Американинг Амазонка дарёси соҳилида ўсувчи бамбукли пальма ҳам баҳайбат япроқларга эга. Бу дарахтлар баргининг узунлиги 19 метргача этади.

ДУНЕДАГИ ЭНГ ИҶҒОН ДАРАХТ Сицилиядаги Этна тоғида ўсаётган каштан (қорақайишлар оиласига мансуб дарахт) ва Туркия шарқида ўсаётган чинордир. Каштанга бир неча йил аввал чақмоқ тушган ва шундан сўнг ҳам танасининг диаметри 51 метрни ташкил этади, чинор эса 42 метр.

ИНДОНЕЗИЯ чакалакзорларида, Ява ва Суматра оролларида гаройиб гул ўсади. У жуда чиройли бўлмасда, лекин ҳаддан ташқари улкан. Гул очилган пайтда унинг айланаси 1 метрни

ташкил этади, оғирлиги эса 7 килограммга этади. 7—10 кунгача очилиб туради. Бу гул Раффлезия падра деб аталади.

АҚШнинг унчалик катта бўлмаган Тимбстон шаҳрида энг улкан атиргул ўсади. Унинг эни 1 метру 27 сантиметр бўлиб, бўйи 320 сантиметрдир. Унинг шоҳлари 500 квадрат метрга тарқалган. Бу атиргул 103 йил муқаддам Шотландиядан илдизи билан кўчириб келтириб экилганди.

УРУҒЛАРНИНГ ҳам каттаси бор. Масалан, Ҳинд уммонидидаги Сейшел оролларида ўсувчи кокос ёнғоғининг меваси биргина уруғи билан 18 килолик тош босади.

АҚШда ўсувчи шувоқбаргли амброзия ўсимлиги энг кўп уруғ, яъни 5 сәт давомида 8 миллиардгача уруғ беради.

## СОВЕТ С УЛЫБКОЙ

### Целуйтесь на здоровье

Да, целуйтесь, но не забывайте почаще переводить дух, особенно если вы аллергик. Такой совет дает влюбленным шведский аллерголог Сабина Рак.

Основываясь на исследованиях, проведенных в Швеции и Италии, она предупреждает, что слишком затянувшиеся лобзания способны в ряде случаев вызвать аллергическую реакцию у женщин.

Врачи установили, что если мужчина незадолго до страстного поцелуя съел что-либо, вызывающее у его возлюбленной аллергию, то он подвергает ее опасности возникновения приступа.

В Швеции поводом для исследования послужил случай, когда раздражителем, вызывавшим у девушки сильный зуд по всему телу, были противопоканальные ей яблоки, которые ел ее молодой человек. Итальянские же аллергологи расследовали аналогичную историю, в которой раздражителем для женщины было лекарство, которое принимал на ночь мужчина.

Один из способов ослабить аллергическую реакцию, считает Сабина Рак, постараться прерывать поцелуй на время вдоха-выдоха.

## ВОЕННАЯ ИСТОРИЯ

### ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ, ЧТО...

Египетский фараон Тутмос III (1525—1473 гг. до нашей эры) известен как самый первый полководец, осуществивший наступление по заранее разработанному плану.

Самые первые основы организации медицинской службы в армии были заложены в Древнем Риме в I веке до нашей эры. Врачи были призваны следить за питанием и гигиеной в римской армии, за условиями жизни в укрепленных постоянных лагерях. В обязанность армейского лекаря входило оказание помощи больным, принятие профилактических мер.

Самой продолжительной в истории человечества войной была не Столетняя (между Англией и Францией в 1338—1453 гг.), как принято считать, а испано-индейская (арауканская). Племена арауканцев населяли Чили, и на протяжении 1535—1722 гг. они не сдавались врагу, провоевав таким образом 187 лет.

Пушкой самого большого в истории калибра является царь-пушка, находящаяся в Кремле (Москва). Она была отлита в XVI веке с внутренним диаметром ствола 920 мм и длиной 3,18 м. Вес ее — 40 тонн.

Самое первое упомина-

ние термина «милиция» (от латинского — «войско») относится к середине XV века. Тогда это было наименование ополчения в ряде стран Европы, собираемое во время войны.

Впервые золотое шитье на парадные генеральские мундиры было введено указом российского императора Александра I в 1808 году, которые они имели право надевать только в одном случае — перед боем, и то при условии, когда предписывалось командование соединением войск. В других случаях золотое шитье на мундир не было положено — в «золотом» мундире сражались, а не щеголяли на парадах и приемах.

Два самых массивных из когда-либо построенных орудий были применены фашистами при осаде Севастополя в июле 1942 года. Это были «Дора» и «Густав» с калибром 800 мм, длиной ствола 28,87 м. «Дора» и «Густав» — железнодорожные орудия, смонтированные на 24 платформах, две из которых имели по 40 колес каждая. Длина орудия в полном сборе была 42,9 м, вес — 1344 тонны. Орудийный расчет 1500 человек. Дальность стрельбы 8,25-тонными снарядами была 46,67 км.

## ГАРОНИИ ИХТИРОЛАР...

### УТА СЕЗГИР «БУРУН»

Англиялик олимлар авиаконпанияларнинг буюртмасига бинонан янги электрон асбоб яратишди. Бу курилма ёрдамида йўловчилар юки орасида портлагич модда ёки курул-яроғ бор-йўқлиги аниқланади. «Электрон бурун» ҳар қандай портлагични, ҳатто микроскопда кўринадиган даражада кичик бўлса-да, аниқлайди.

### ТЕЛЕВИЗОРЛАР ОЛАМИДА

Биламизки, Японияда техника тараққийети жуда ўсган. У мазкур соҳада энг илгор давлатлардан. Вугунги кунда биринчиликни бермаелин учун ҳам жуда кўп ихтиролар қилинмоқда. «Хитачи» фирмаси дунёда биринчи марта икки экранли телевизор ишлаб чиқарди. Тўғри, ўйлашнингиз мумкин, бирданга икки экрандаги кўрсатувни кўриб бўларканми, деб. Пўй.

иннала экран ҳам тенг кўрсатмайди, фақат бири кўрсатади, иккинчиси эса... томошбинга ёққан кўрсатувни ёзиб олади, кейин истаган пайтда қайтадан кўрсатади.

Япониянинг «Шарп» фирмаси янги телевизор ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу рангли телевизорнинг одадигилардан фарқи шундаки, у япалоқ шаклда бўлиб, деворга осиб қўйилади. Бу билан уй безаги ортиб, янада кўркамлашади.

### ОҒЗАКИ БУЙРУҚ БУЙИЧА

Яна Япония. Бу ердаги «Мацута дэнки» концерни мутахассислари шундай видеомагнитофон яратдиларки, у бир ҳафта давомида телевизор орқали берилган энг ахши кўрсатувларни хўжайинининг оғзаки буйруғи бўйича ёзиб олади. Аммо бу видеомагнитофон фақат япон тилида инфодаланган буйруқларнинггина бажаради.

## РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76 ♦ РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ

**ВАТАНПАРВАР**

Объявления и реклама для опубликования в газете «Ватанпарвар» принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (к.м.н. 27).

Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница «Россия»).

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 14 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматли белгилади:\*/

1 АҚШ доллари 960,15  
1 евро 1009,31

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## КУПЛЮ

Старые нагрудные знаки: авиационные, железнодорожные, правоохранительные (ВЧК, НКВД, МООН, МВД, КГБ), депутатские и др., жетоны, монеты, кортик. Т.: 68-49-19.

Дорого! Нагрудные знаки, старинные изделия из серебра, бронзы, фарфора, саблю, кортик. Т.: 67-48-18.

Холод, шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., велосипед, ст. маш. «Кирвизия», раб. и перабочие. Т.: 74-95-15, 75-59-73.



21 ЯНВАРЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 8.00 «Ахборот»... 9.00 «Соз сехри»... 9.20 «Рангин дунё»... 9.40 «Мысли о селе»... 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Новости...

18.55, 21.55 Иккинчи. 19.40 Муҳаббат кўшиқлари. 19.55 «Давр» интерью. 20.10 «Умр дафтари»... 17.20 «Под углом 23,5°»... 17.45, 19.10, 22.05 Телегазета «Экспресс»... 18.05 Экран — детям...

20.00 «Слабое звено». 21.00 Время. 21.40 Премьера «Русские в городе ангелов»... 4.45 «Доброе утро, Россия!»... 7.45 «Леди Бомж»... 8.40 Сернал «Дневник убийцы»...

22.25 Урожайная грядка. 22.30 «Игрок из ада». 1.30 «Книборг-телохранитель». 6.00, 6.10, 6.35, 7.10, 7.35, 8.10, 8.35 Утро на НТВ... 11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00 Сегодня...

26 ЯНВАРЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 8.00 «Ахборот»... 8.40 «Камалак»... 9.20 «Гаройн-бот»... 9.40 Мультифильм... 10.00 «Родные службы»... 11.00 «Она мекри»...

17.20 «Волшебный мир сказок»... 19.00, 20.10, 21.25 Телегазета «Экспресс»... 19.20 «Табриклиямиз-кутлайимиз»... 19.50 «Телефакт»... 20.00 «TV мадад»... 20.30 «Всемирная география»...

5.25 Фильм «40 в пользу Танички»... 6.50 «Дракоша и компания»... 7.15 «Русское лого»... 8.05 «ТВ Бинго-шоу»... 8.35 Местное время. Вести — Москва. Неделя в городе... 9.15 «Утренняя почта»...

7.10 «Полудра». 7.40 «Вкусные истории». 8.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00 Сегодня... 16.00, 17.00, 18.00 Сегодня. 8.05 Комедия «Антон Иванович сердится»... 9.20 «Шар удача»... 11.05 «Бушующая планета»... 12.40 «Вы будете смеяться!»... 13.05 Премьера «Влияние»... 13.05 Мелодрама «Леди Гамильтон. Между бесчестьем и любовью»... 15.05 Своя игра... 16.20 «История охотника за крокодилами»... 16.45, 17.05 «Принцип «Домино»»... 18.05 «Один за всех»... 18.55 Боевик «Последний бойскаут»... 21.00 «Намедни»... 22.30 Триллер «Кровь и вино»... 00.30 «Клан Сопрано»...

8.00, 19.00, 22.00, 23.35 «Давр»... 9.15 «Янги авлод»... 9.45, 17.05 «Книроликларга саргузиллар»... 10.10 Муслимий лахазлар... 10.25 «2000 Ийлан сунг»... 10.45 Жар ёксиди... 11.00 «Уччи сайра» матрикий дастури... 11.50 Киноақдам... 12.10 Мультифильм... 12.25 Ешлар овози... 12.45 Интерфутбол... 14.25 Кухна оханлар... 14.35 «Дарбарлик»... Фильм. 1-я серия... 15.20 Белида белбоги борлар... 15.40 «Англиз олдиратган уйини»... Телесериял... 16.35 «Янги авлод» студияси... 17.35 Таяк... 18.00 Минг бяр маслахат... 18.20 Автопатруль... 18.40 Оқшом навалари...

1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»...

17.00 «Великая пружина»... 18.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»...

17.35 Ешлар овози... 17.50 «Великая пружина»... 18.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»...

2.20 Фильм «Про уроков и людей»... 1.50 Мола нон-стоп... 1.35 ХОРОШО, ВЫЛО... 1.35 ХОРОШО, ВЫЛО... 1.35 ХОРОШО, ВЫЛО... 1.35 ХОРОШО, ВЫЛО... 1.35 ХОРОШО, ВЫЛО...

1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»...

1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»...

1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»... 1.30 «Великая пружина»... 2.00 «Русские в городе ангелов»...